

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИ-
ЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
БУХОРО ФИЛИАЛИ**

ЖЎРАЕВ УМИД АНВАРОВИЧ

**КОЛЛЕКТОР-ЗОВУР СУВЛАРИНИНГ МИНЕРАЛИЗАЦИЯСИНИ
БИОЛОГИК УСУЛДА ПАСАЙТИРИШ ВА УНДАН СУҒОРМА
ДЕҲҚОНЧИЛИКДА ФОЙДАЛАНИШ**

06.01.02 - Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2017

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Жўраев Умид Анварович

Коллектор-зовур сувларининг минерализациясини биологик усулда пасайтириш ва ундан суғурма деҳқончиликда фойдаланиш.....3

Жураев Умид Анварович

Снижения минерализации коллекторно-дренажных вод биологическим способом и использования их в орошаемом земледелии.....21

Jurayev Umid Anvarovich

Decrease of mineralization of collector-drainage water by biological method and their use in irrigated agriculture.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИ-
ЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
БУХОРО ФИЛИАЛИ**

ЖЎРАЕВ УМИД АНВАРОВИЧ

**КОЛЛЕКТОР-ЗОВУР СУВЛАРИНИНГ МИНЕРАЛИЗАЦИЯСИНИ
БИОЛОГИК УСУЛДА ПАСАЙТИРИШ ВА УНДАН СУҒОРМА
ДЕҲҚОНЧИЛИКДА ФОЙДАЛАНИШ**

06.01.02 - Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2017

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Qx.65 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Бухоро филиалида (ТИҚХММИ) бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) веб саҳифанинг www.cottonagro.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот таълим портали www.ziyo.net манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хамидов Муҳаммадхон Хамидович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мирзажонов Қирғизбой Мирзажонович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор,
академик

Норкулов Усмон
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон қишлоқ хўжалиги институти

Диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «___» _____ 2017 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ қ.ф.й., ЎзПИТИ кўчаси ПСУЕАИТИ. Тел: (+99895) 142-22-35; факс: (+99871) 150-61-37. e-mail: g.selek@qsxv.uz

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ қ.ф.й., ЎзПИТИ кўчаси ПСУЕАИТИ. Тел: (+99895) 142-22-35; факс: (+99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2017 йил “___” _____ да тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Ж.Тешаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д.,
профессор

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
қ.х.ф.н., катта илмий ходим

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича қишлоқ хўжалигида деградацияга учраган майдонлар ортиб бормоқда: сув эрозияси таъсирида 56 фоиз, шамол эрозияси таъсирида 28 фоиз, тупроқда озуқа моддалари миқдорининг камайиши, шўрланиш, ифлосланиш жараёнлари туфайли 12 фоиз ва зичлашиш, ботқоклашиш, чўкиш жараёнлари таъсирида эса, 4 фоиз ерларнинг ҳолати ёмонлашмоқда¹. Бундай салбий жараёнлар ҳамда дунёнинг 80 та мамлакатаида сув танқислиги муаммоси мавжудлигидан ҳар йили 7 млн. гектар экин майдонлари қишлоқ хўжалиги фойдаланувидан чиқиб кетиши натижасида дунёда озик-овқат хавфсизлиги муаммоси юзага келмоқда.

Республикамизда бугунги кунда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, сув танқислиги шароитида мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қўшимча сув манбаларини шакллантириш бўйича кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу тадбирлар натижасида бугунги кунда: 38863 км. узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари, 52 дона мелиоратив насос станциялар, 1344 дона мелиоратив тик қудуқлар таъмирланди ва тикланди. 13,2 минг га. томчилатиб, 18,0 минг га. эгатга плёнка тўшаб, 16,8 минг га. майдонда ўқариқлар ўрнига кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш усуллари жорий этилиб, бунинг натижасида 1 млн. 200 минг га. ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига эришилди². Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиоратив ва ирригация объектларнинг тармоғини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор берилган. Бу борада сув танқислигини юмшатиш, коллектор-зовур сувларидан самарали фойдаланиш орқали тупроқнинг мелиоратив ҳолатига таъсирини ўрганиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё суғорма деҳқончилиги амалиётида (АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Исроил кабилар) сув танқислиги шароитида экинларни суғоришда илмий асосланган суғориш тартибларини қўллаш, қўшимча сув манбаси сифатида минерализацияси паст бўлган коллектор-зовур ҳамда чиқинди сувлардан фойдаланиш орқали дарё сувлари иқтисод қилиниб, экинлардан олинаётган ҳосилни 10-15 фоизгача ошириш имконияти яратилмоқда. Шу жиҳатдан, Республикамизда тобора ортиб бораётган сув танқислиги шароитида унинг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида коллектор-зовур сувларининг минерализациясини биологик усулда пасайтириб, улардан суғорма

¹<http://www.fao.org/docrep/018/i17928ri17928r024.pdf>.

²http://www.agro.uz/uz/news/agro/senatorlar_surovi.

деҳқончиликда фойдаланишга бағишланган илмий изланишлар долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ-1958-сон «2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги: Мазкур илмий-тадқиқот ишлари республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғорма деҳқончиликда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш ҳамда уларнинг минерализациясини ерларнинг мелиоратив ҳолатига таъсирини ўрганиш бўйича республикамизда Қ.М.Мирзажонов, Н.Ф.Беспалов, Г.А.Ибрагимов, М.Х.Хамидов, К.М.Бейсенбоев, Д.Д.Умарова, С.Б.Бўриев, Н.Э.Малабоев, Т.Ражабов, М.Маҳмудов А.Абдукаримов, С.Исаев ва хорижда D.Balla, S.Maasen, Andersson J. Wedding B, Tonderski K, Keinzler K.M, Qureshi A.S, Qadir M каби олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Бухоро филиали илмий тадқиқотлар режасининг ҚХА-70-060 сонли “Коллектор-зовур сувлари минерализациясини биологик усулда камайтириш орқали улардан суғорма деҳқончиликда кенг фойдаланиш (Бухоро воҳаси мисолида)” (2012-2014 йй.) Республика амалий гранти ҳамда Германиянинг “ZALF” агротехнологиялар илмий маркази “LEBNIS” ландшафтшунослик илмий текшириш институти ва Гумбольдт номли Берлин Университети билан ҳамкорликда ВМВФ ташкилотининг UZB 11\02 сонли “Desalination of irrigation water by usage of water plants” (2012-2015 йй.) мавзусидаги халқаро илмий гранти дастурлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Бухоро воҳаси шароитида Кичик Ряска (*Lemna minor*), Пистия (*Pistia stratiotes*) ва Азолла (*Azolla caroliniana*) сув ўсимликлари ёрдамида коллектор-зовур сувларининг минерализациясини камайтириб, сифати яхшиланган зовур сувлари билан ғўзани суғориш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Бухоро вилоятидаги коллектор-зовур тизимини, ушбу тизим орқали ҳудуддан чиқариб ташланаётган сизот сувларининг ҳажми ва минерализациясини аниқлаш, табиий ва антропоген таъсир ҳисобига уларнинг ўзгаришини аниқлаш;

лаборатория шароитида Кичик Ряска (*Lemna minor*), Пистия (*Pistia stratiotes*) ва Азолла (*Azolla caroliniana*) сув ўсимликларини ўстириш, уларнинг коллектор-зовур сувлари минерализациясини камайтириш самарадорликларини ўрганиш;

минерализацияси юқори бўлган коллектор-зовурлар бўйидаги кичик ҳовузларда лаборатория шароитида яхши натижа берган сув ўсимлигини коллектор-зовур сувларининг минерализациясига таъсирини ўрганиш;

сифати яхшиланган коллектор-зовур сувлари билан суғориш натижасида ўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, турли даражада минераллашган коллектор-зовур сувлари ва сувдаги тузларни ўзлаштирувчи мелиорант ўсимликлар Кичик Ряска (*Lemna minor*), Пистия (*Pistia stratiotes*) ва Азолла (*Azolla caroliniana*) сув ўсимликлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Бухоро вилояти шароитида минерализацияси турлича бўлган коллектор-зовур сувларининг таркибидаги тузларни Кичик Ряска (*Lemna minor*), Пистия (*Pistia stratiotes*) ва Азолла (*Azolla caroliniana*) сув ўсимликлари ёрдамида пасайтириш ва улардан қўшимча сув манбаси сифатида суғорма дехқончиликда фойдаланиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала, лаборатория тадқиқотлари ва фенологик кузатувлар Пахта селекцияси, уруғчилигини етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг “Дала тажрибаларни ўтказиш услублари” (ЎзПИТИ 2007 йил), Германиянинг Лейбниц илмий марказидаги изланишлар халқаро DIN стандарти ҳамда ZALF агротехнологиялар илмий текшириш марказида қабул қилинган услубларга асосан, лаборатория шароитларида тузлар миқдори Швейцарияда ишлаб чиқилган МЕТРОНМ-858 ва СПЕКОРД-200 асбоби ёрдамида бажарилди.

Олинган маълумотлар аниқлиги ва ишончлилиги умумқабул қилинган Б.А.Доспеховнинг кўп омилли услуби ҳамда SPSS (Statistical Package for Social Science) компьютер дастури ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Бухоро вилоятининг коллектор-зовур сувларида лаборатория шароитида Кичик Ряска (*Lemna minor*), Пистия (*Pistia stratiotes*) ва Азолла (*Azolla caroliniana*) сув ўсимликларини ўсиши, ривожланиши, биомасса ҳосил қилиши аниқланган;

Кичик Ряска (*Lemna minor*), Пистия (*Pistia stratiotes*) ва Азолла (*Azolla caroliniana*) сув ўсимликларини коллектор-зовур сувларидаги озуқа моддаларга таъсири ҳамда уларнинг минерализациясини камайтириш самарадорлиги аниқланган;

минерализацияси юқори бўлган коллектор-зовурлар бўйидаги кичик ҳовузларда Кичик Ряска (*Lemna minor*) сув ўсимлигининг коллектор-зовур

сувларида ўсиши, ривожланиши ҳамда уларнинг минерализациясига таъсири аниқланган;

минерализацияси биологик усулда пасайтирилиб, сифати яхшиланган коллектор-зовур сувлари билан ғўзанинг Бухоро-6 навини суғоришнинг ғўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Бухоро вилояти шароитида минерализацияси 3-5 г/л бўлган коллектор-зовур сувларининг таркибидаги тузларни Кичик Ряска (*Lemna minor*) сув ўсимлиги ёрдамида пасайтириб, улардан қўшимча сув манбаси сифатида суғорма дехқончиликда фойдаланиб, ғўзанинг Бухоро-6 навидан юқори ҳосил олишга эришилди ҳамда дарё сувлари иқтисод қилинди ва атроф мухитни ифлосланишининг олдини олишга эришилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Дала ва лаборатория тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотларга статистик ишлов бериш; назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши; олинган маълумотлар математик-статистик таҳлиллар билан тасдиқланганлиги; тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги; натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; тажриба натижаларининг халқаро ва Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда баён этилганлиги ҳамда Олий аттестация комиссияси томонидан белгиланган маҳаллий ва хорижий нашриётларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Бухоро вилояти шароитида коллектор-зовур сувларининг минерализациясини *Lemna minor*, *Pistia stratiotes* ва *Azolla caroliniana* сув ўсимликлари ёрдамида биологик усулда пасайтириш, ҳамда улардан ғўзани суғоришда фойдаланилганда тупроқнинг сув-физик хоссаларига, озуқа, туз ва суғориш тартибларига, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Бухоро воҳаси шароитида Кичик Ряска (*Lemna minor*), Пистия (*Pistia stratiotes*) ва Азолла (*Azolla caroliniana*) сув ўсимликлари ёрдамида коллектор-зовур сувларининг минерализациясини камайтириб, сифати яхшиланган зовур сувларини суғорма дехқончиликда қўшимча сув манбаси сифатида фойдаланиш орқали тобора ошиб бораётган сув танқислигининг салбий оқибатларини камайтириш ва атроф мухит ифлосланишини олдини олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Коллектор-зовур сувларининг минерализациясини биологик усулда пасайтириш ва ундан суғорма дехқончиликда фойдаланиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

коллектор-зовур сувларининг минерализациясини биологик усулда пасайтириб, улардан суғорма дехқончиликда фойдаланиш 2014-2016 йилларда Бухоро вилоятини Бухоро, Ромитан, Пешку, Вобкент ва Шофиркон

туманларининг фермер хўжаликларида ғўзанинг Бухоро-6 навини суғориш 133 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 17.02.2017 й., 04/32-342-сон маълумотномаси). Бунда сув танқислигининг салбий оқибатлари камайтирилиб, пахтадан гектарига 5,4-6,2 центнер кўшимча ҳосил олинган, атроф мухитни ифлосланишининг олдини олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала, ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва ТИҚХММИ томонидан тузилган маҳсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган ҳамда Республика ва халқаро анжуманларда 12 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган бўлиб, тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган бўлиб, тадқиқот усуллари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш ва апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Суғорма дехқончиликда коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш ҳамда тупроқ ва сув таркибидаги тузларни туз ўзлаштирувчи ўсимликлар ёрдамида камайтириш”** деб номланган биринчи бобида Республикамиз ҳамда жаҳонда зовур сувлари, уларнинг ҳосил бўлиши, классификацияси ва тавсифи, суғорма дехқончиликда коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш, тупроқ ва сув таркибидаги тузларни туз ўзлаштирувчи ўсимликлар ёрдамида камайтириш ва улардан суғорма дехқончиликда фойдаланиш бўйича тупроқ иқлим, мелиоратив-гидрогеологик шароитларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилган кўп омилли дала, ишлаб чиқариш тадқиқотларининг натижалари бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, ғўзани зовур сувлари билан суғоришни унинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирининг таҳлилий натижалари келтирилган.

Диссертациянинг “**Бухоро воҳасининг табиий ва хўжалик шароитлари**” деб номланган иккинчи бобида Бухоро воҳасининг географик ўрни, иқлим шароити, ер фонди, геоморфологик ва литологик шароити, ерларнинг мелиоратив ҳолати, коллектор-зовур тармоқлари ва улар сувининг минераллашганлик даражаси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Бухоро вилояти бўйича 2010-2015 йилларда коллектор-зовур сувларининг оқими: 2010 йилда 2453,68 млн.м³, 2011 йилда 1959,40 млн.м³, 2012 йилда 2348,05 млн.м³, 2013 йилда эса 2304,48 млн.м³ ташкил қилган. Бу эса вилоят чегарасига олинадиган суғоришга ишлатиладиган сувларнинг 45-50 % ни ташкил қилади ҳамда уларнинг маълум қисмини сув танқислиги шароитларида суғорма дехқончиликда фойдаланиш имконларини излаш долзарб муаммодир.

Диссертациянинг “**Тадқиқот ўтказиш услуги, тажриба тизими ва агротехник тадбирлар таснифи**” деб номланган учинчи бобида тадқиқот услугиёти ва тажриба ўтказиш тизими, ўрганилган сув ўсимликларининг биологик таснифи, уларни лаборатория шароитида зовур сувларида кўпайтириш услублари, дала, лаборатория тадқиқотлари ва фенологик кузатувларни бажариш бўйича услубий асослар келтирилган.

Тажрибалар Кичик Ряска (*Lemna minor*), Пистия (*Pistia stratiotes*) ва Азолла (*Azolla caroliniana*) сув ўсимликларининг коллектор-зовур суви минерализациясини камайтириш хусусиятларини махсус лаборатория шароитида 4 та вариант ва 3 та қайтариқда кузатувлар олиб бориш орқали амалга оширилди: 1-вариантда коллектор-зовур сувининг минерализацияси 1,0-3,0 г/л; 2-вариантда 3,0-5,0 г/л; 3-вариантда 5,0 г/л дан юқори ва 4-вариант назорат варианты бўлиб, сув ўсимликлари экилмасдан кузатувлар олиб борилди.

Лаборатория ва дала тажрибалари давомида куйидаги илмий-тадқиқотлар олиб борилди: зовур сувларидаги тузлар миқдори ҳар 12 соатда олинган сув намуналарида электрон кондуктометр ҳамда лаборатория шароитида аниқланди; сув таркибидаги озуқа элементлари нитрат, фосфат, калий миқдорлари ҳар 12 соатда олинган сув намуналарида лаборатория шароитида А.П.Гриценко, И.М.Мальцева усулларида, нитратли азот миқдори ионометрик асбобда Гронвальд-Ляж, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин, алмашинувчи калийни алангали фотоколорометрда П.В.Протасов усулларида аниқланган; *Lemna minor*, *Pistia stratiotes* ва *Azolla caroliniana* сув ўсимликларининг ўсиши ва ривожланиши бўйича фенологик кузатувлар ҳар 12 соатда барча вариантлар ва қайтариқларда ўсимликнинг сув юзасини қоплаши ва тажриба охирида ўсимликнинг массасини ўлчаш орқали амалга оширилган.

Дала тажрибалари очиқ зовур бўйидаги кичик ҳовузда олиб борилди ва куйидаги кузатувлар бажарилди: зовур сувидаги қуруқ қолдиқ, катион ва анионларнинг миқдори *Lemna minor* ўсимлиги экилгандан сўнг ҳар 12 соатда ва зовур сувини суғоришга ишлатишдан олдин аниқланди; *Lemna minor* сув ўсимлиги экилган зовур суви таркибидаги озуқа моддалар миқдори экиш олдидан ҳамда ғўзани суғориш олдидан аниқланган; зовур сувининг

ҳароратини ҳар 12 соатда ва суғоришга ишлатишдан олдин аниқланди. Фенологик кузатувлар (сув ўсимлигининг массаси ва ҳовузнинг сув юзасини қоплаш майдони) *Lemna minor* сув ўсимлигини зовур сувига экиш олдидан ва тажрибалар якунигача ҳар 12 соатда олиб борилди.

Диссертациянинг «**Бухоро воҳаси шароитида зовур сувлари минерализациясини биологик усулда камайтириш бўйича лаборатория ва дала тажрибалари**» деб номланган тўртинчи бобида лаборатория ҳамда дала тажрибалари натижалари келтирилган.

Тадқиқотлар 2012-2015 йилларда Бухоро вилоятининг Бухоро туманидаги Чакмоқ зовури (1-3 г/л), Когон туманидаги Баховуддин зовури (3-5 г/л) ва Жанубий зовур (5 г/л дан юқори)ларида бажарилди.

Илмий изланишлар олиб бориш учун зовур сувларига лаборатория шароитида *Lemna minor*, *Pistia stratiotes* ва *Azolla caroliniana* сув ўсимликлари экилди. Бунда вариантлар бўйича зовур сувларининг минерализацияси қуйидагича бўлди: 1-вариантда куруқ қолдиқ 2,74 г/л, хлор иони 0,216 г/л, сульфат иони 0,785 г/л, HCO_3 иони 0,164 г/л; 2-вариантда куруқ қолдиқ 4,1 г/л, хлор иони 0,386 г/л, сульфат иони 1,328 г/л, HCO_3 иони 0,414 г/л ва 3-вариантда мос равишда 5,50 г/л, 0,678 г/л, 2,449 г/л, 1,181 г/л ни ташкил этди.

Тажрибалар давомида 2012 йилда минерализацияси 1-3 г/л бўлган зовур сувига *Lemna minor* сув ўсимлиги дастлаб экилганда, сув юзасининг 0,085 м² майдонни эгаллаган бўлса, 12 соатдан сўнг 0,091 м², 120 соатдан сўнг 0,203 м² га тенг бўлди. *Pistia stratiotes* сув ўсимлиги экилган 2 вариантда зовур сувига 100 грамм миқдорида сув ўсимлиги экилиб, бу сув юзасининг 0,060 м² майдонини қоплаган бўлса, 12 соатдан 0,064 м² га, ва 120 соатдан сўнг 0,175 м² га тенг бўлди. *Azolla caroliniana* сув ўсимлиги экилган 3-вариантда зовур сувига экилган 100 грамм сув ўсимлиги 0,080 м² сув юзасини эгаллади. Тадқиқотлар давомида 12 соатдан сўнг сув ўсимлиги 0,085 м², 120 соатдан сўнг 0,234 м² ни ташкил қилиб, сув ўсимликлари орасида энг яхши натижа кузатилди.

Минерализацияси 3-5 г/л бўлган зовур сувларидаги тадқиқотлар давомида зовур сувига *Lemna minor* сув ўсимлиги экилганда 0,085 м² сув юзасини қоплаган бўлса, экишдан сўнг 12 соат ўтиб, бу қиймат 0,093 м², 24 соатидан сўнг 0,098 м² ва 120 соатдан сўнг 0,240 м² майдонни эгаллади. *Pistia stratiotes* сув ўсимлиги экилган вариантда, дастлаб сув ўсимлиги қоплаган сув юзаси 0,060 м² га тенг бўлган бўлса, 12 соатдан сўнг 0,064 м², 24 соатдан сўнг 0,072 м² 120 соатдан сўнг 0,225 м² га тенг бўлди. *Azolla caroliniana* сув ўсимлиги экилган 3-вариантда эса, зовур сувига 100 грамм миқдорида сув ўсимлиги экилганда сув юзасининг 0,080 м² и қопланган бўлса, кузатувларнинг 12 соатидан сўнг 0,094 м² га, 24 соатидан сўнг 0,110 м² га, 120 соатдан сўнг идиш юзасини тўлиқ қоплаб, 0,240 м² ни ташкил қилди.


Минерализацияси 5 г/л дан юқори бўлган зовур сувларида олиб борилган тадқиқотларда *Lemna minor* сув ўсимлиги экилган вариантда дастлаб зовур сувининг 0,085 м² юзасини қопланган бўлса, 12 соатдан сўнг 0,088 м², 24 соатдан сўнг 0,096 м² ва 120 соатдан сўнг эса 0,154 м² юзани

қопада. *Pistia stratiotes* сув ўсимлигини зовур сувига 100 грамм миқдорда экилганда, дастлаб қоплаган сув юзаси 0,060 м² бўлган бўлса, 12 соатдан сўнг 0,066 м² га, 24 соатдан сўнг 0,072 м² га, тажрибаларнинг охирига бориб, 120 соатдан сўнг 0,135 м² га тенг бўлди. *Azolla caroliniana* сув ўсимлиги экилган 3-вариантда 100 грамм миқдорида сув ўсимлиги 0,080 м² сув юзасини қоплаб, 12 соат ўтгандан сўнг 0,084 м² га, 24 соатдан сўнг 0,092 м² га ва тадқиқотлар охирига бориб, 120 соатдан сўнг сув юзасини қоплаш майдони 0,120 м² га тенг бўлган.

Лаборатория шароитида зовур суви минерализациясининг сув ўсимликлари таъсирида ўзгариши аниқланганда, минерализацияси 1-3 г/л га тенг бўлган зовур сувида *Lemna minor* сув ўсимлиги хлор миқдорини яхши ўзлаштириши аниқланди. Сув ўсимликларини экишдан олдин зовур суви таркибидаги хлор миқдори 0,216 г/л га тенг бўлган бўлса, тажрибаларнинг охирида 0,195 г/л га тенг бўлган. Бу кўрсаткич *Pistia stratiotes* экилган 2-вариантда 0,204 г/л га ва *Azolla caroliniana* экилган 3-вариантда 0,208 г/л га тенг бўлди. Назорат варианты-сув ўсимлиги экилмай кузатувлар олиб борилган вариантда зовур сувидаги хлор миқдори 0,235 г/л га тенг бўлган.


Зовур суви таркибидаги қуруқ қолдиқ экиш олдида 2,74 г/л бўлган бўлса, тажрибалар охирига бориб, *Lemna minor* экилган 1-вариантда, 2,40 г/л гача камайди. *Pistia stratiotes* экилган 2-вариантда қуруқ қолдиқ миқдори 2,55 г/л гача камайган бўлса, *Azolla caroliniana* экилган 3-вариантда бу қиймат 2,60 г/л ни ташкил қилган. Назорат вариантыда қуруқ қолдиқ миқдори дастлабки натижага нисбатан 106 % ошиб, 2,90 г/л га тенг бўлган.

Минерализацияси 3-5 г/л га тенг бўлган коллектор-зовур сувларининг таркибидаги тузлар миқдорида сув ўсимликларининг таъсирини аниқлаш бўйича тажрибалар натижаларига кўра сув ўсимликларининг зовур сувларидаги хлор миқдори (1-расм) дастлаб 0,386 г/л га тенг бўлган бўлса, тажриба охирига бориб, *Lemna minor* сув ўсимлиги экилган 1-вариантда зовур сувидаги хлор миқдори 0,278 г/л га тенг бўлиб, дастлабки натижага нисбатан 28 % га камайган. 2-вариантда хлор миқдорининг қиймати 0,312 г/л гача камайган бўлса, 3-вариантда бу кўрсаткич 0,345 г/л ни ташкил қилган. Назорат вариантыда зовур сувидаги хлор миқдори 8 % гача ошиб, 0,416 г/л га тенг бўлган.



1-расм. Сув ўсимликларининг зовур сувидаги хлор миқдoriga таъсири

Зовур суви таркибидаги курук қолдиқ миқдори (2-расм) дастлаб 4,1 г/л га тенг бўлган бўлса, тадқиқотларнинг охирига бориб, яъни 120 соатдан сўнг *Lemna minor* сув ўсимлиги экилган вариантда курук қолдиқ миқдори 3,20 г/л ни, *Pistia stratiotes* экилган 2-вариантида 3,70 г/л ни ташкил қилган. Кузатувларнинг 3-вариантида, яъни *Azolla caroliniana* сув ўсимлиги экилган зовур сувида бу қиймат 3,85 г/л га тенг бўлган бўлса, назорат вариантыда курук қолдиқ миқдори тажрибалар охирига бориб 4,35 г/л га тенг бўлган ёки дастлабки натижага нисбатан 6 % га ошган.



2-расм. Сув ўсимликларининг зовур сувидаги курук қолдиқ миқдорига таъсири

Минерализацияси 5 г/л дан юқори бўлган зовур сувларида дастлаб сув ўсимликларини экишдан олдин курук қолдиқ миқдори 5,75 г/л га тенг бўлган бўлса, тадқиқот охирида *Lemna minor* сув ўсимлиги экилган вариантда курук қолдиқ миқдори 5,3 г/л гача, *Pistia stratiotes* экилган 2-вариантида эса 5,35 г/л гача камайган. Кузатувларнинг *Azolla caroliniana* сув ўсимлиги экилган 3-вариантида зовур сувидаги курук қолдиқ миқдори 5,50 г/л га тенг бўлган. Назорат вариантыда тажрибалар охирида курук қолдиқ миқдори 5 % гача ошиб, 6,05 г/л га тенг бўлган.

Сув ўсимликлари экилган зовур сувларида хлор миқдорининг ўзгаришини таҳлилига кўра, дастлаб сув ўсимликларини экиш олдида унинг миқдори 0,678 г/л га тенг бўлган бўлса, тажрибалар охирида зовур сувидаги хлор миқдори *Lemna minor* сув ўсимлиги экилган 1-вариантида 9 % гача камайиб, 0,614 г/л га тенг бўлди. *Pistia stratiotes* экилган зовур сувида хлор миқдори 0,632 г/л гача камайган. *Azolla caroliniana* экилган 3-вариантида бу қиймат 0,654 г/л га тенг бўлди. Назорат, яъни сув ўсимлиги экилмаган вариантда хлор миқдори 4 % гача ошиб, 0,708 г/л га тенг бўлди.

Германиянинг ZALF агротехнологиялар илмий марказининг лабораториясидаги олимлар профессор Дагмар Балла ҳамда доктор Себастьян Маассенлар билан ҳамкорликда лаборатория шароитида *Lemna minor* сув ўсимлигининг зовур сувлари минерализациясини пасайтириши 3 та вариантда ва 3 та қайтариқда ўрганилди: 1-вариант (назорат) зовур сувининг минерализацияси 0,3 г/л; 1-вариантида 1,4 г/л ва 3-вариантида 2,8 г/л.

Кичик Ряска (*Lemna minor*) сув ўсимлигининг зовур сувида (махсус лаборатория идишларида) ўсиши ва ривожланиши барча вариантларда

ўсимликнинг массасини ўлчаш орқали аниқлаб борилди. Тажрибаларда зовур сувидаги тузларнинг қуруқ қолдиқ миқдорлари эрталаб соат 9-00 ва кечки соат 16-00 да аниқланди ҳамда сувнинг электр ўтказувчанлиги кондуктометр орқали аниқлаб борилди. Атмосфера ёғинлари ёғин ўлчаш “Третьяков” асбоби ёрдамида миллиметрларда, сувнинг ҳарорати махсус кондуктометрларда ҳамда сув юзасидан бўладиган буғланиш сув чуқурлиги бўйича аниқланди.

Сув ўсимлигини экишдан олдин назорат вариантыда зовур сувидаги тузлар миқдори 0,3 г/л ни ташкил қилди. Тажрибанинг 3 - кунда зовур сувидаги тузлар миқдори 0,2 г/л ни ташкил қилган бўлса, тажриба охирида ҳам бу миқдор 0,2 г/л сақланиб қолди. Зовур сувларининг электр ўтказувчанлиги ушбу вариантда камайди: тажриба бошида электр ўтказувчанлик $990 \mu S/cm$ ни ташкил қилган бўлса, охирида $827 \mu S/cm$ га тенг бўлиб, дастлабки олинган қийматга нисбатан $163 \mu S/cm$ гача камайган. Тажриба ўтказиш давомида жами 4,8 мм миқдорида атмосфера ёғинлари ёққан бўлса, 10 мм миқдорида зовур сувлари буғланди.

Кузатувларнинг 2-вариантида сув ўсимлигини экишдан олдин зовур сувининг тузлари миқдори 1,4 г/л ни ташкил қилган бўлса, тажрибанинг 17 соатидан сўнг 1,3 г/л ни ташкил қилди. Тадқиқотларнинг 3 кунда ҳам бу миқдор 1,3 г/л бўлиб, тажрибалар охирида 1,2 г/л ни ташкил этди. Зовур сувининг электр ўтказувчанлиги камайиб борди: тажрибанинг бошида электр ўтказувчанлик $2990 \mu S/cm$ ни ташкил қилган бўлса, охирида $2720 \mu S/cm$ ни ташкил қилиб, $270 \mu S/cm$ гача камайганлиги аниқланди.

Тадқиқотларнинг 3-вариантида зовур сувига сув ўсимлиги экишдан олдин зовур сувидаги тузлар миқдори 2,8 г/л ни ташкил қилган бўлса, 17 соатдан сўнг бу қиймат 2,7 г/л га, 72 соатдан сўнг 2,6 г/л га, кузатувларнинг охирида 2,3 г/л га тенг бўлиб, 0,5 г/л гача камайганлиги аниқланди. Зовур сувининг электр ўтказувчанлиги бошқа вариантлар сингари тажрибанинг охиригача пасайиб борди, яъни $5330 \mu S/cm$ дан электр ўтказувчанлик $4750 \mu S/cm$ гача пасайди.

Зовур сувларининг минерализациясини “*Lemna minor*” сув ўсимлиги ёрдамида пасайтириш бўйича олиб борилган тажрибалар натижасида энг яхши натижа минерализацияси 2,8 г/л га тенг бўлган зовур сувида кузатилиб, бунда зовур сувидаги тузлар миқдори тажриба охирида 18 % гача камайганлиги аниқланди. Минерализацияси 1,4 г/л га тенг бўлган зовур сувларида эса тузларнинг пасайиши 15 % бўлди.

Турли сифатдаги сувлар билан ғўзани суғориш бўйича олиб борилган тажриба тизими, услубиёти ва тажриба натижалари. Дала тажрибалари 2013-2015 йилларда Бухоро вилояти, Бухоро тумани “Мухаммад Чоруқий” фермер хўжалиги ҳудудидан ўтувчи минерализацияси 3,9 г/л бўлган “Юлдуз” зовури қирғоғи бўйидаги кичик ҳовузда 5 та вариантда амалга оширилди: 1-вариант дарё суви билан суғориш; 2-вариант дарё сувида биологик тозаланган зовур сувини қўшиб суғориш (50/50 %); 3-вариант дарё сувида зовур сувини қўшиб суғориш (50/50 %); 4-вариант биологик тозаланган зовур суви билан суғориш ва 5-вариант (назорат) зовур

суви билан тўғридан-тўғри суғориш. Тажрибаларда суғориш олди тупроқ намлиги (ЧДНС га нисбатан 70-75-65 %) ва маъдан ўғитлар меъёри (N-250; P-175; K-100) Бухоро вилояти учун ПСУЕАИТИ тавсиялари асосида қабул қилинди.

Тажриба майдонида ўсuv даврининг бошида тупроқнинг зичлиги ҳайдалма қатламда (0-40 см) 1,30-1,32 г/см³, ни 0-70 см қатламда 1,35-1,36 г/см³ ни ва 0-100 см қатламда 1,35-1,37 г/см³ ни ташкил қилган бўлса, ўсuv даври охирига келиб, суғоришлар ва агротехник тадбирларни механизациялаш мақсадида техникаларнинг далага кириши натижасида 0,01-0,04 г/см³ га ошган. Вегетация охирида тадқиқотнинг 1-вариантида, яъни дарё суви билан суғорилган далада 0-100 см қатламда ўртача уч йилда зовур суви билан суғорилган назорат 5-вариантга нисбатан 0,01-0,02 г/см³ кам зичлашган. Кузатувларнинг 2-варианти, яъни дарё сувига биологик тозаланган зовур сувини қўшиб суғорилган далада тупроқнинг ҳажмий оғирлиги йиллар бўйича бир хилда 1,38-1,39 г/см³ га тенг бўлиб, назорат вариантыга нисбатан 0,01 г/см³ га камайган. Изланишларнинг дарё сувига зовур сувини қўшиб суғорилган 3-вариантда тупроқнинг ҳажмий оғирлиги 1 метрли қатламида йиллар бўйича 1,39; 1,38; 1,39 г/см³ га тенг бўлиб, бу эса назорат вариантга нисбатан 0,01 г/см³ га енгилроқ бўлган. Тадқиқотларнинг биологик тозаланган зовур суви билан суғорилган 4-вариантида тупроқнинг ҳажмий оғирлиги 1,38; 1,38; 1,40 г/см³ га тенг бўлиб, назорат вариантыга нисбатан 0,01 г/см³ га кам зичлашган.

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги бўйича маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, бу кўрсаткич вегетация бошида 6 соат давомида 2013 йилда 821,5 м³/га га тенг бўлган бўлса, 2014 йилда 813,2 м³/га га, 2015 йилда эса 824,1 м³/га га тенг бўлган. Вегетация охирида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги вариантлар бўйича турлича ўзгарганлигини кузатилди. Масалан, дарё суви билан суғорилган 1-вариантда (2013 йил) сув ўтказувчанлик 6 соат давомида 762,9 м³/га ёки 0,212 мм/мин ни ташкил қилиб, назорат вариантыга нисбатан 92,4 м³/га га ёки бўлмаса 0,026 мм/мин га юқори бўлган. Тадқиқотларнинг дарё сувига биологик тозаланган зовур сувини қўшиб суғорилган 2-вариантда, сув ўтказувчанлик назорат вариантыга нисбатан 64,9 м³/га, 0,018 мм/мин га юқори бўлди.

Шунингдек, дарё сувига зовур сувини қўшиб суғорилган 3-вариантда, назорат вариантыга нисбатан сув ўтказувчанлик 51,9 м³/га ёки бўлмаса 0,015 мм/мин юқори бўлиб, 722,4 м³/га тенг бўлди. Изланишларнинг 4-варианти, яъни зовур сувлари минерализациясини биологик усулда пасайтириб, ғўза суғорилган вариантда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 713,9 м³/га ёки бўлмаса 0,198 мм/мин га тенг бўлиб, бу қиймат эса назорат варианты, зовур суви билан тўғридан-тўғри суғорилган далага нисбатан 43,4 м³/га, 0,012 мм/мин юқори бўлди.

Зовур сувларида суғориладиган ғўзанинг суғориш тартиби. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65 % сақлаб туриш учун ғўза 1-3-1 тизимда 5 марта суғорилди. Ҳар бир суғоришда суғориш меъёрлари ўртача 717,3-1252,9 м³/га, мавсумий суғориш меъёрлари эса, 4087,8-4702,7

м³/га ни ташкил қилди. Суғоришлар давомийлиги 14-22 соатни, суғоришлар орасидаги давр 16-25 кунни ташкил этди. 2013 йилда олиб борилган тадқиқотлар давомида дарё суви билан суғорилган 1-вариантда суғориш меъёрлари 717,3-1095,6 м³/га га тенг бўлиб, мавсумий суғориш меъёри 4087,8 м³/га ни ташкил қилган, бу эса назорат вариантга нисбатан суғориш меъёрлари 148,5-157,3 м³/га га, мавсумий суғориш меъёри эса 523,6 м³/га кам сув сарфланганлиги кузатилди. 2-вариантда, суғориш меъёрлари 717,3-1108,5 м³/га ни, мавсумий суғориш меъёри эса 4179,1 м³/га ни ташкил қилиб, назорат вариантга нисбатан 196,4 м³/га га кам кам бўлди. Изланишларнинг 4-вариантида мавсумий суғориш меъёри 4317,5 м³/га бўлиб, назорат вариантга нисбатан 293,9 м³/га га кам бўлди. 2014-2015 йилларда ҳам шундай қонуниятлар кузатилди. Тажриба натижаларини таҳлил қиладиган бўлсак, зовур сувини биологик усулда минерализациясини пасайтириб суғорилганда зовур суви билан тўғридан -тўғри суғорилганга нисбатан 293,9 м³/га сув ресурслари иқтисод қилиниб, юқори ҳосил олишга эришилади.

Зовур сувлари билан суғоришни тупроқнинг туз ва озуқа тартибига таъсири. Тажриба майдонида суғориш вариантлари бўйича тупроқнинг туз режимини ўрганиш учун тупроқнинг 1 метр қатлаидан 0-10 см дан тупроқ намуналари вегетация бошида ва охирида ҳамда ҳар бир суғоришдан олдин ва кейин ҳар бир вариантдан алоҳида тупроқ намуналари олиниб, уларнинг таркибидаги Cl, HCO₃, SO₄ ва қуруқ қолдиқ миқдори аниқланди. Вегетация бошида ҳайдов қатламида (0-40 см) Cl иони 0,009 % га, HCO₃ - 0,029 % га, SO₄ миқдори эса 0,049 % га тенг бўлган бўлса, қуруқ қолдиқ миқдори 0,153 % ни ташкил қилди. Тупроқнинг 0-100 см қатламида тузлар миқдори мос равишда 0,012%, 0,033 %, 0,048 % га ва 0,128 % ни ташкил қилди. Тупроқдаги тузларнинг бундай миқдори шўрланиш даражалари бўйича қабул қилинган таснифга кўра улар кучсиз шўрланган тупроқлар тоифаси ҳисобланади.

